
Еттинчи чақириқ Халқ депутатлари Данғара туман Кенгашининг биринчи сессияси бўлиб ўтди.

Еттинчи чақириқ Халқ депутатлари Данғара туман Кенгашининг биринчи сессияси бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳоқими ўринбосари Полвонов Шерзоджон Фазлиддинович иштирок этди.

Сессияда депутатлар партия гуруҳлари рўйхатга олинди, туман кенгашининг Регламенти ва доимий комиссиялар тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Биринчи сессия ишида вилоят ҳоқимининг Данғара тумани ҳоқимини тайинлаш тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш масаласи кўриб чиқилди.

Сессия ишида иштирок этган вилоят ҳоқимининг ўринбосари Полвонов Шерзоджон Фазлиддинович Данғара тумани ҳоқимини тайинлаш тўғрисидаги вилоят ҳоқимининг қарорини ўқиб эшиттирди.

Данғара тумани ҳоқими лавозимига номзод Тожихақимов Шухратжон Нурмухаммадович томонидан ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг истиқболга мўлжалланган дастури тақдимот қилинди.

Номзод бўйича депутатлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Депутатлар томонидан Данғара тумани ҳоқими лавозимига Тожихақимов Шухратжон Нурмухаммадович номзоди тасдиқланди.

2024-11-08 13:57:35